

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги

Навоий давлат кончилик институти

“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси

“Иқтисодиёт назарияси” фанидан

РЕФЕРАТИ

**МАВЗУ: АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА
ШАКЛЛАНИШ МАНБАЛАРИ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА
ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОЙ СИЕСАТИ.**

Талаба: Сирожов Т.

Қабул қилди: Рашидов М.К..

Навоий -2015

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАНИШ МАНБАЛАРИ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ СИЕСАТИ.

РЕЖА:

1. Аҳоли даромадлари, унинг турлари ва шаклланиш манбалари.
2. Аҳолининг номинал, реал даромади.
3. Даромадлар тенгсизлиги, унинг сабаблари ва омиллари.
Лоренцон эгри чизиғи ва бицел коэффиценти.
4. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг кырсаткичлари. Оила
бюджети, истеъмолчилик савати ва ҳаёт кечириш
минимуми.
5. Бозор иқтисодиетига ўтиш шароитида давлатнинг
ижтимоий ҳимоялаш тизими.

1. Аҳоли даромадларининг шаклланиши ва унинг таркиби.

Аҳоли даромадлари дейилган уларнинг маълум вақт оралигида одатда бир йилда олган пул маблағлари ва моддий неъматлари (уй хужалигида ишлаб чиқарилгани билан бирга) суммаси тушунилади.

Аҳоли истеъмол даражани тугридан-тугри уларнинг даромадлари даражасига боғлиқ буладик, бу даромадларнинг аҳоли турмуш даражасидаги ролини белгилаб беради.

Аҳоли пул даромадлари иш хаки, тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромад, нафака, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоииз дивиденд, рента шаклда олинadиган даромадларни, кимматли коғозлар, кучмас мулк, кишлок хужалик махсулотлари, хунармадчилик буюмларини сотишдан олинadиган пул тушумларини ҳар хил хизматлар курсатишидан тушадиган даромадлар шу қабиларни ўз ичига олади.

Натурал даромад меҳнат хаки ҳисобига олинadиган ва ўй хужаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган махсулотлардан иборат булади.

Даромадларнинг бозорли тақсимланиши ишлаб чиқаришнинг барча омиллари эгалари даромадлари талаб ва тақлифлар қонуни, ҳамда ишлаб чиқариш омилларининг кейинги ўнўмдорлиги асосида шаклланишини билдиради, шу нуқтаи назардан талаб ўнчалик катта бўлмаган малакасиз ишчи қучи эгаларининг қам ва аксинча талаб юқори бўлган малакали /профессонал/ қасб эгаларининг юқори даромад олиши тугри булади. Демак, бозор механизми фарофонлик даражасига ҳеч қандай қафолат бермайди.

Шундай экан бозор иқтисодиётига йўл тутган мамлакатларда давлат томонидан амалга ошириладиган, қенг ижтимоий тадбирларни билдирувчи «ижтимоий йўналтирилган бозор хужалиги» гоёси алоҳида оммавийлик қасб этади. Бўнинг маъноси, бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар реал ҳаётида даромадларнинг тақсимланиши нафакат бозор қучларининг эркин ҳаракати натижасида, балки даромадларнинг турли оқимларини уларни қайта тақсимлаш йўли билан давлатнинг тартибга солиши асосида амалга оширилади. Бошқача айтганда, жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари тартибга солинади, яъни жамият қатламлари, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ва ўлар ичидаги муносабатлар ўшлаб турилади, жамият аъзоларининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш учун шароит таъминланади, ўларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиши учун иқтисодий рағбатларни шакллантиришда ижтимоий қафолатлар яратилади. Қисқаси, давлат аҳоли даромадларини шакллантириш сиёсати билан шугўлланади ва шу орқали маълум даражада ижтимоий адолат таъминланади.

Жамият аъҳолари даромадлари даражаси ўлар турмуш даражасининг муҳим қўрсатқичи ҳисобланиб, алоҳида шахслар ва маънавий имқониятларини: дам олиши, билим олиши, соғлигини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондиришини белгилаб беради. Аҳоли даромадлари даражасига

бевосита таъсир курсатувчи омиллар орасида иш хаки хажмидан ташкариш чакана нарх денамикаси, истеъмолчилик бозорининг товарлар билан туйинганлик даражаси кабилар муҳим урин тутади.

Аҳоли даромадлари денамикаси ва даражасига баҳо бериш учун наминал, эҳтиёрида булган ва реал даромад курсаткичларидан фойдаланилади.

Наминал даромад - алоҳида шахслар томонидан маълум вақт оралигида олинган пул миқдори ҳисобланади.

Ихтиёрида булган даромад - шахсий истеъмол ва шахсий жағармага фойдаланиш мумкин булган даромад. Бу даромад номинал даромаддан солиқлар ва мажбурий тулов суммасига кам булади.

Реал даромад - нарх даражаси узғаришини ҳисобга олиб, маълум вақт оралигида ихтиёрида булган даромадга сотиб олиш мумкин булган товар ва хизматлар миқдorigа тенг.

Аҳолининг намунал пул даромадлари турли манбалар ҳисобига шаклланиб, улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

А) ишлаб чиқариш омилларига олинадиган даромад

Б) давлат ёрдам дастурлари бўйича тулов ва имтиёзлар шаклидаги пул тушумлари;

В) молия тизими орқали тушумлар; /банклар, омонат кассалар, сугурта муассасалари орқали ва хоказо/.

Аҳолининг ёлланиб ишловчи қисми олинадиган даромадларнинг асосий қисмини иш хаки ташкил қилади. Даромаднинг бу тури истикболда ҳам, пул даромадлари умумий хажмини шаклланишида узининг етакчи ролини саклаб қолади.

Аҳоли пул даромадларининг шаклланишига давлат ёрдам дастурлари бўйича туловлар сезиларли таъсир курсатади. Бу манбалар ҳисобига пенсия таъминоти вақтинча меҳнатга лойқатсиз фуқароларни ушлаб туриши амалга оширилади ва турли хил нафақалар туланади.

Аҳолининг молия кредит тизими орқали олинадиган пул даромадлари қуйидагилардан иборат: давлат сугуртаси бўйича туловлар ; шахсий уй қурилишига ва матбуот жамияти аъзоларига банк судалари; жамғарма банкига қуйилмалар бўйича фоизлар; акция, облигация баҳосининг қупайишидан олинадиган даромад ва заём бўйича туловлар; лотерея бўйича ютуклар; товарларни кредитга сотиб олиш натижасида ташкил топадиган, вақтинча буш маблағлар; хар хил турдаги компенсация туловлар ва х.к.

Юқорида таъкидланганидек, номинал даромад аҳоли ихтиёрида булган даромад ва мажбурий туловлардан иборат булади. Аҳолининг мажбурий туловлари молия тизими орқали, хар хил турдаги солиқ ва йиғмалар шаклида амалга оширилади. Давлат солиқ туловлари ва йиғмаларини туплаш орқали узини ижтимоий сиёсатини амалга оширади, кам таъминланган оилаларга ёрдам курсатади.

2. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари

Аҳоли турмуш даражаси тушунчасини уларнинг ҳаёт учун зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши, ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан кондирилиши даражаси сифатида аниклаш мумкин.

Кишилар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар туплами меҳнат шароити таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ овқат ва уй жой сифати каби хилма-хил эҳтиёжларни уз ичига олади. Кишилар эҳтиёжларини кондиритиш даражаси жамият аъзоларининг алоҳида олган ва оилавий даромадлари даражасига боғлиқ. Турмуш даражасини илмий даражада бутун аҳоли учун ва табақалашган микро даражада алоҳида гуруҳи учун қараб чиқиш мумкин. Биринчи ёндашув турли мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини аҳоли жон бошига туғри келадиган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича аниқлаб, киёсий таҳлил қилиш имконини беради.

1 жадвал. Европа мамлакатларида аҳоли жон
Бошига ялпи ички маҳсулот, 1991 й. Баҳо нисбати бўйича¹

Мамлакат	Доллар минг	Мамлакатлар	Доллар минг
Швеция	20.00	Чехославакия	7.00
Швеция	16.40	Литва	6.90
Франция	16.25	Венгрия	6.65
Германия	15.30	Россия	6.30
Англия	15.30	Белорусь	6.10
Италия	13.85	Болгария	5.30
Испания	11.65	Польша	5.20
Эстония	8.045	Украина	4.75
Греция	7.90	Молдава	4.40
Латвия	7.90	Руминия	4.10

Даромадлар даражасидаги бундай сезиларли фарқлар фан-техника таракқиёти ва меҳнат унумдорлигининг турлича даражасидан келиб чиқади. Жумладан, россия ялпи миллий маҳсулотнинг ЯММ ҳажми бўйича 1991 й, 940 млрд. Доллар европада, германиядан кейин 1235 млрд. Доллар иккинчи урини эгаллаб, иқтисодиётнинг ривожланиши даражасини акс эттирувчи кўрсаткич бўйича 26 уринда туради. Аҳоли жон бошига даромадлар кўрсаткичлар, жамият аъзолари уртасида даромадлар тақсимотининг тенгсизлигини акс эттирмайди.

Аҳоли гуруҳлари бўйича даромадлар тақсимланиши динамикасини таққослаш, истеъмолчилик бюджет асосида амалга оширилади. Қатор истеъмолчилик бюджетлари мавжуд бўлади: уртача оила учун, юқори даражада мул-қул бюджет, минимал моддий таъминланганликлар бюджети, нафақахурлар ва аҳоли бошқа ижтимоий гуруҳлари бюджети шулар

¹ Экономика и бизнес. Под ред. В.Д. Камаева. - М: Изд-во МГТУ 1993, с. 372

жумласидандир. Реал бюджетлар, одатда рационал хисобланган бюджетлардан фарк килади. Масалан, собик СССР да 80 йилларнинг урталарида уртача истеъмолчилик бюджети рационал бюджетининг 50 фоизидан купрогини ташкил килган, яъни рационал бюджетга эришиш учун оила аъзоларига тугри келадиган уртача даромадни икки баробар зарур булган.

Фаровонликнинг энг куйи чегараси оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, ундан кейин аҳолини такрор ишлаб чиқариш таъминланмайди. Бу даража моддий таъминланганлик минимум ёки кун кечириш даражаси кашшокликнинг бошланиши сифатида чиқади. Кун кечириш минимуми биологик минимумдан фарк қилиб купрок узгарувчан ва жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ривожига билан узгариб боради. Жаҳон тажрибаси курсатадики кашшоклик чегараси нарх ўсиши ҳисобида сезиларли даражада ортади ва истеъмолнинг қупайганлигини акс эттирмайди. Масалан, оиланинг «кашшоклик чегараси» 60 йил бошларида 3 минг доллар йиллик даромад, 1987 йил 11611 долларни ташкил қилган. Аммо «истеъмолчилик ҳалтаси» туплами 1965 йилдан бошлаб узгармаган.

Бозор иқтисодиёти шароитида уртача даромад уртача синф деб аталадиган даромадлари бўйича аниқланади. Бундай гуруҳ истеъмолчилик ҳалтаси тупламига уй, автомашина, дала ховли дача, замонавий уй жиҳозлар, сайр қилиш ва болаларини ўқитиш имконияти, қимматли қогозлар ва зебу зийнатлар қиради. АЛШда уртача америкалик оиланинг шахсий даромади 80 йилнинг урталарида 32,7 минг доллар атрофида янгиланган. Маданий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда, уртача синф, тизими сиёсий барқарорлигини ҳамда ўсиб боровчи талаб воситасида иқтисодий ҳаракатининг илгарилаб боришини таъминлаб иқтисодий ва сиёсий ҳаётда муҳим роль ўйнайди. Гарб давлатларида уртача синф даромадлари нафакат меҳнати натижаси бўйича тақдирлашга, балки мулкка эгаллик қилиш қучмас мулк, қимматли қогозлар ва бошқа қилили билан боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти аҳолининг юқори таъминланган ёки «бой» қатлами мавжуд бўлишини тақазо қилиб, уларга аҳолининг юқори сифатли товар ва хизматлар, эришишга қатъатли жуда оз қатлами қиради. АЛШда аҳоли бу қисмнинг шахсий имконияти 8-10 млн. Доллар баҳоланади. 80 йилларнинг урталарида улар АЛШ бутун аҳолисининг 0,25 фоизини ташкил қилган.

3. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини ўлчаш.

Дунёдаги барча мамлакатлар аҳоли жон бошига тугри келадиган уртача даромадлар даражаси билан бир-бири билан кескин фарқланади. Бу турли мамлакатлар аҳолисининг даромадлари даражаси уртасида тенгсизлик мавжудлигини билдиради. Шу билан бирга алоҳида олинган мамлакатлар аҳолисининг турли қатлам ва гуруҳлари уртача даромадларида ҳам фарқ мавжуд. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши даражаси юқори ёки паст бўлиши даромадларидаги фарқларни бартараф қилмайди. Ҳар қандай юқори ривожланган мамлакатларда ҳам даромадлар тенгсизлиги сақланиб қолади. Масалан, америка қўшма штатлари дунёда аҳолисининг уртача даромади энг

юқори булган мамлакатлардан бири булсада 1986 йил оилаларнинг уртача йиллик даромади 34924 долларни ташкил килган, лекин шахсий даромаднинг оилалар уртасида тақсимланишида фарқлар сақланиб қолган. Жумладан 1986 йил АЎШ даги барча оилаларнинг 12 фоизи, ялпи шахсий даромаднинг 2 фоизи яқиндан олган. Ялпи шахсий даромаднинг фақат 6 фоизи йилига 15 минг доллардан кам даромад олувчи 22 фоиз оилаларнинг ҳиссасига тугри келган. Йилига 75 минг доллар ва ундан қў даромад олувчи 7 фоиз оилалар ҳиссаси ялпи шахсий даромадларнинг 21 фоизини ташкил килган. Бу маълумотлар АЎШ дек иқтисодий ривожланган мамлакатда сезиларли даражада эканлиги курсатади.

Демак даромадлар тенгсизлиги барча иқтисодий тизимлар учун ҳос. Даромадлар даражасидаги энг катта фарқ анъанавий тизимларда курсатилади. Маъмурий тизимдан бозор иқтисодиётига утиш даврида даромадлар табақаланишининг усиши шу билан боғлиқки, бир томондан аҳолининг маълум қисми олдинги тизим узилиши шароитида яшашни давом эттирса, бошқа томондан бозор иқтисодиёти қонунлари бўйича фаолият қилувчи ижтимоий қатлам шаклланиб боради. Аҳолининг тобора қўпроқ қатлами бозор муносабатларига жалб қилиниб борилиши билан тенгсизлик миқёси қисқариб боради.

Ўз-ўзидан аниқки, иқтисодий усиш даромадларнинг қўпайишига олиб келади. Бунда бутун аҳоли даромадлар қўтлоқ миқдорда аста-секин усиб боради. Даромадларнинг қўтлоқ миқдори қўпайиб борсақда ҳар доим ҳам даромадлар тенгсизлиги даражасига таъсир курсатмаслиги мумкин.

2- жадвал. Оилаларнинг ҳар бир гуруҳи, ҳамда
5 фоиз энг юқори даромадли оилалар олган ялпи
Даромаддаги ҳисса %²


Оилалар гуруҳи умумий сондан 20% бўйича	1929	1947	1969	1979	1987
Паст	12.5	5.0	5.6	5.3	4.6
Иккинчи	12.5	11.8	12.4	11.6	10.8
Учинчи	13.8	17.0	17.7	17.5	16.9
Туртинчи	19.3	23.1	23.7	24.1	24.1
Юқори	54.4	43.0	40.6	41.6	43.7
Жами	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0
Энг юқори даромадли, 5% оила	30.0	17.2	15.6	15.7	16.9

Жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, 1929 ва 1947 йиллар уртасидаги даромадлар тенгсизлиги сезиларли қамайган. Бу тенгсизлик аста-секин қамайиб бориб, энг охири вақтларда эса ортган. Аммо 1947 ва 1987 йиллардаги маълумотларни қўғридан - қўғри таққослаш шуни курсатадики, 1987 йил даромадларни нисбий тақсимланиши ҳудди қирк йил олдинги

² Уша жУшда. Т. II с. 277.

давридагидек булган. Бундан чикадиган хулоса шуки, иккинчи жахон уруши тугагандан кейин даромадларнинг таксимланишида нисбатан баркарорлик сакланган. Даромадлар тенгсизлиги даражасини микдорий улчаш учун жахон амалиётида лоренц эгри чизигидан фойдаланилади ххуііі - 1-расм «оилалар улуши» ётик чизикда, «даромадлар улуши» эса тик чизикда жойлашган. Назарий жихатдан даромадларнинг мутлок тенг таксимланиши имконияти биссектриса укида бурчакни тенг иккига булувчи ифодаланган булиб, у оилаларнинг хар кандай мазкур фоизи даромадларнинг мос келувчи фоизини олишини курсатади. Бу оилаларнинг 20% и барча даромадларнинг 20%ни олса, 40%-40%, 60%-60% ва х.к. ни олишини билдиради, мос келувчи нукталар биссектриса укида жойлашади. - 2 жадвалдаги маълумотларни графикка кучириб, даромадларнинг амалда таксимланишини намоиш килувчи лоренц эгри чизигини хосил киламиз.

Лоренц эгри чизиги



- 1 расм. Лоренц эгри чизиги. Мутлок тенгликни ифодаловчи чизик ва лоренц эгри чизиги уртасидаги тафовут даромадлар тенгсизлиги даражасини акс эттиради.

Эгри чизикдаги а нукта барча оилаларнинг паст даромад олувчи 20 фоиз даромадларнинг 4,6 фоизни олишини курсатади: в нукта 40 фоизини курсатади ва х.к. Мутлок тенгликни ифодаловчи чизик ва лоренц эгри чизиги уртасидаги фарк даромад тенгсизлиги даражасини курсатади. Бу фарк канчалик катта булса, даромадлар тенгсизлиги даражаси хам шунчалик катта булади. Агар даромадларнинг хакикий таксимланиши мутлок тенг булса, бунда лоренц эгри чизиги ва биссектриса уки бир-бирига мос келиб фарк йуколади. Расмнинг координата уклари бошланган карама-карши томонда, мутлок натеглик вазиятикурсатилганки, бунда 1 фоиз оилалар 100 фоиз даромадга эга, бошка кисми хеч кандай даромадга эга булмайди.

Лоренц эгри чизигидан турли даврларда ёки турли мамлакатларда ёки аҳолининг турли гурухлари уртасида даромадларнинг таксимланишини таккослаш учун фойдаланиши мумкин. Бунда солиқлар чиқариб ташланган ва

чиқарилмаган ҳамда ижтимоий транспорт туловларни уз ичига олган даромадлар ҳисобга олинади.

Кейинги йилларда 1 ва 2 жадвалларда фойдаланилган маълумотлар даромадлар тенгсизлигининг ҳақиқий ҳолатини акс эттирадими деган масалада қўлаб тортишувларга сабаб бўлди. Айрим иқтисодчилар даромадлар тенгсизлигини аниқлаш учун бир йиллик маълумотлар етарли эмас деб ҳисоблайди. Бунга сабаб шуки, мазкур маълумотлар номинал даромаднинг тақсимланишини курсатади ва нафақат ишчи, хизматчилар иш ҳақи, дивидентлар ва фойзаларни, балки ижтимоий таъминот бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича товон туловлари каби пул шаклида олинadиган трансферт туловларини ҳам уз ичига олади. Бундан ташқари даромадлар ҳақидаги маълумотлардан шахсий даромад солиғи ва иш ҳақи солиғи чиқарилмаган. Даромадлар тенгсизлигини ифодаловчи маълумотлар бўйича иккита асосий танқидий қарашларни қўриб чиқамиз.

1. Даромадларнинг кенгайтирилган концепцияси тарафдорлари тенгсизликни характерловчи маълумотларга бир қатор тузатишлар киритилади. Бу тузатишлар шундан иборатки, у давлат томонидан натурал шаклда текин тақсимланадиган товар ва хизматларнинг бозор қийматини, уй-жой учун субсидиялар ва озик-овқат талонлари қийматини ҳамда давлат томонидан таълимга бериладиган ёрдамларни ҳисобга олади. Бундан ташқари у акция, облигация ва қўчмас мулклар қийматининг қўпайишини, яъни капиталнинг ўсишидан олинadиган даромадни ҳам ҳисобга олади. Нихоят, у иш ҳақи солиғи ва шахсий даромад солиғини даромаддан чиқаради. Бу қўшимчалар натижасида тасвирланган ҳолат нафақат ҳар бир йил давомида даромадларнинг анча тенг тақсимланишини, балки тенгликнинг қўпайиб боришининг ўзук муддатли тамойилини акс эттиради.

2. Даромадлар тенгсизлиги бўйича иккинчи қараш тарафдорлари ҳисоблайдики, оиланинг бир умр олинган умумий даромадлари қўп тенг тақсимланиши мумкин. Ҳараз қиламиз, али биринчи йил 1 млн сул ва иккинчи йил 10 млн сум, вали эса биринчи йил 10 млн. Сум ва иккинчи йил 1 млн. Сум ишлаб топди. Ҳақиқатда уларнинг даромади бир хил эмасми?

Бу саволга жавоб даромадларни ҳисоблаш учун қайси давр оилинишига бўғлиқ. Ҳар йиллик маълумотлар даромадларнинг жуда катта тенгсизлигини икки йиллик маълумотлар эса тулик тенглигини курсатади. Бундан чиқадиган ҳулоса шуки, агар бутун ҳаёти давомида бир хил даромад олса ҳам, алоҳида олинган йилда даромадларнинг катта тенгсизлиги мавжуд бўлади. Бу қараш тарафдорлари - 2 жадвал маълумотларини даромад олувчиларнинг ёш фарқларини ҳисобга олиб тузатишга қорректуровка қилишга ҳаракат қилади. Шу асосда улар ҳулоса чиқаради қўйидагича ҳулоса чиқаради:

1) Агар вақт омилига эътибор берилса даромадларнинг катта тенгсизлиги мавжуд бўлади.

2) Урганилган давр давомида даромадлар тенглиги ошиб бориш тамойили аниқланади.

Даромадлар табақаланишининг қўпроқ қўлланиладиган курсаткичларидан бир дидил қўэффиенти ҳисобланади. Бу курсаткич 10% анча юқори

таъминланган аҳоли уртача даромадлари ва 10% энг кам таъминланганлар уртача даромади уртасидаги нисбатни ифодалайди.

Ялпи даромаднинг аҳоли гуруҳлари уртасида тақсимланишини характерлаш учун аҳоли даромадлари тупланиш индекси (джини коэффиценти) курсаткичи кулланилади. Бу курсаткич канчалик катта булса, (яъни 1,0 га яқинлашса) тенгсизлик шунча кучли булади. Жамият аъзолари даромадлари тенглашиб борганда бу курсаткич 0 (ноль)га интилади.

Бозор иқтисодиётига утиш даврида иқтисодий баркарорлик туфайли қараб чиқилган ҳар иккала курсаткич усиш тамойилига эга булади. Умумий даромаднинг табақаланиши алоҳида тармоқлар ва фаолият соҳаларида иш ҳақи даражасидаги фарқлар билан бирга боради. Миллий иқтисодиётда уртача иш ҳақининг анча паст даражада булиши билан бирга унинг тармоқлар, корхоналар ва ишловчилар категорияси бўйича юқори тенгсизлиги таркиб топади.


4. Даромадлар тенгсизлиги сабаблари ва тамойиллари

Биз биламизки, давлатнинг асосий вазифаларидан бири, даромадларни қайта тақсимлаш ҳисобланади. - 2 расм ва унга қушимча қилинган жадвал маълумотлари, давлатнинг солиқ тизими ва трансферт дастурлари ҳақиқатда даромадлар тақсимланишидаги тенгсизлик даражасини сезиларли қамайтиришини курсатади. Даромадлар тенгсизлиги қамайтиришнинг тахминан 80 фоизини асосан трансферт туловлари тақозо қилади. Давлатнинг солиқ тизими унчалик прогрессив бўлмаса, солиқлар чиқарилмаган даромаднинг тақсимланиши солиқлар чиқарилгандан кейинги даромаднинг тақсимланишидан унчалик фарқланмайди. Аммо трансферт туловлари даромадлар қийматига сезиларли таъсир курсатади. Аниқроқ айтганда давлат трансферт туловлари энг паст даромад олувчи кишилар гуруҳи даромадининг асосий қисми 70-75%ини ташкил қилади ва қашшоқликни юмшатишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Даромадлар тенгсизлигининг катта фарқлари мавжудлигининг асосий сабаби бозор тизимига асосланган иқтисодиётнинг уз хусусиятларидан келиб чиқади. Бизнинг республикада ҳам бозор иқтисодиётига утиш даромадлар тенгсизлиги муаммосини кескинлаштиради. Бу ерда асосий ролни мулкка уй-жой, ускуна, акция ва бошқалар эгаллик омили уйнай бошлайди. Даромадларнинг табақаланиш жараёни етарли даражада тез боради. Минимал даражадан бир неча ун барабар юқори даромадга эга бўлган ижтимоий қатлам шаклланади. Даромадларнинг табақаланиши мулкӣ табақаланишни келтириб чиқаради. Вақт утиши билан оилаларнинг туپлаган мол-мулки мерос қолдириши сабабли даромадлар табақаланишининг қучайиши рӯй беради. Ҳар хил оилалар учун турлича истеъмол муҳит яратилади. Ижтимоий тенглик ва даромадлар тақсимотида адолатликнинг муҳим муаммолари келиб чиқади. Юқоридагилардан ташқари даромадлар тенгсизлигини тақозо қилувчи узиға хос умумий омиллар ҳам мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Кишиларнинг умумий лаёқатидаги фарқлар. Кишилардаги интеллектуал, жисмоний ва эстетик лаёқатлар турлича; айримлар нисбатан юқори ҳақ

туланадиган ишни бажариш учун зарур булган фавкулдда интеллектуал лаёкатни мерос килиб олган. Бошкаларнинг аклий лаёкати паст ҳақ туланадиган фаолият тури билан банд булишини таказо қилади ёки улар умуман ҳеч нарса ишлаб тополмайди. Учинчи гуруҳ кишилар жуда зур жисмоний лаёкати туфайли юқори ҳақ туланадиган етук профессионал спортчи булиши мумкин. Камрок гуруҳ кишилар узларининг эстетик қобилияти туфайли буюк рассом ёки мусикашунос булиши мумкин. Қисқача айтганда, тугма талантлар айрим шахсларга ялпи маҳсулотга узларининг хиссасини қушиб, шунинг ҳисобига жуда юқори даромад олиш имкониятини беради.



Оилалар гуруҳи	Олинган даромад %	
	Солиқлар чиқарилмаган ва трансферт туловлари ҳисобга олинмаган	Солиқлар чиқарилмагандан ва трансферт туловлари киритилгандан кейин
Паст	1.0	4.7
Иккинчи	7.6	10.6
Учинчи	15.0	16.1
Туртинчи	24.1	23.0
Юқори	52.4	45.7

- 2 расм. Давлат солиқлари ва трансферт туловларининг даромадлар тенгсизлигига таъсири.

2. Кишилар бир-биридан олган таълими ва малакали тайёргарлиги, демак узларининг ишлаб ҳақ топиш имконияти буйича сезиларли фарқ қилади. Бу фарқ қисман эркин касб танлаш натижаси ҳисобланади. Урта мактабни тугатгандан кейин али ишчи касбини эгаллашга қарор қилади, вали эса олий укув юртига қиради. Бошка томондан бундай танлов ихтиёрий эмас, чунки

алининг оиласи олий укув юртига укиш учун тулаш имкониятига эга булмаслиги мумкин.

3. «малакали диддаги» фарклар туфайли даромадлар бир хил эмас. Огир ва зерикарли ишлар, масалан кумир казиб олиш билан шугулланган кишилар куплаб соат давомида жуда интенсив ишлайди ва куп иш хаки олади. Айримлар эса уз даромадларини икки жойда ишлаш хисобига купайтирилади. Одамлар бир-биридан узларининг тахликага тайёрлиги билан хам фарк килади. Куплаб тадбиркорлар мувоффакиясизликка дучор булсада, унгча куп булмаганлари янги товар ва хизматларни жорий оркали мувофакиятларга эришиб, жуда юқори даромад олиши мумкин.

4. Мулкка эга булган ва ундан даромад олувчи кишилар уртасида бир мунча сезиларли тенгсизликлар мавжуд булади. Жуда куп оилалар ночор ахволда булиб, озрок ёки умуман мулкка эга булмайди, озрок оилалар куплаб микдордаги ускуналар, кучмас мулк, кишлок хужалигида фойдаланиладиган ерлар ва шу кабиларга эга булади. Хусусан мулкдан олинадиган даромад оилаларнинг ахволини белгилаб беради. Мерос колдириш хукуки ва «бойлик бойликни тугдириш» далили мулкка эгалик килишдаги тенгсизликнинг даромадлар тенгсизлигини оширишдаги ролини кучайтиради.

5. Ишлаб чикарувчининг уз манфаати йулида бозорда нархларни сунъий урнатиш лаёкати сузсиз даромадлар тенгсизлигини аникловчи асосий омил хисобланади. Айрим касбдаги ходимлар (сартарошларга, космитологларга, такси хайдовчи ва шу кабилар) га малака лицензияларини беришни кузда тутувчи конунчилик хам лицензия олган кишиларнинг бозорда хукмронликни эгаллаш учун асос булиши мумкин.

6. Айрим холларда муваффакият ва тасодифий ходисалар хам даромадлар тенгсизлигини келтириб чикаради. Масалан, юқори даромадлар унумсиз ердан нефть конинг очилиши билан ва шахсий алока ёки сиёсий таъсир натижаси булиши мумкин. Бошка томондан сурункали касаллик, бахтсиз ходиса бокувчисини йукотиш ва ишсизлик каби куплаб омадсизликлар оиланинг иқтисодий ахволига салбий таъсир курсатиб нисбатан кашшокликка олиб келиши мумкин.

Давлатнинг миллий даромадни кайта таксимлаш вазифасидан асосий максад даромадлар тенгсизлигидан фаркларни камайтириш ва жамият барча аъзолари учун анча кулай моддий хаёт шароитини таъминлашджан иборат. Бундай максадни руёбга чикариш шакли булиб, махсулот ва хизматларни таксимлаш, тарнсферт туловлар хамда даромадларни баркарорлаштриш буйича давлат дастурлари маблагларининг бир кисми давлат бюджети оркали шаклланади ва марказланган холда фойдаланилади. Маблагларнинг бошка кисми корхонанинг узларининг фойдалари ва фондлари хисобига ташкил топади.

5. Давлатнинг даромад сиёсати.

Аҳоли камбагал катламини химоялаш тадбирлари.

Давлатнинг даромад сиёсати тегишли даромадларни табакалашган солик солиш йули билан шакллантириш ва уни бюджет оркали аҳоли турли гуруҳлари уртасида қайта таксимлашдан иборат. Бунга миллий даромаднинг маълум қисми юқори даромад олувчи аҳоли катламидан паст даромад олувчилар қулига утади. Давлат даромадларни қайта таксимлашда ижтимоий туловлар билан бирга бозор йули билан урнатиладиган нархларни узлаштириш (масалан, фермерларга нархларни қафолатлаш) ва иш ҳакининг энг кам даражасини белгилаш усулларида фойдаланади.

Ижтимоий туловлар - кам таъминланганларга пул ёки натурал ёрдам тадбирлари тизими бўлиб, бу уларнинг ҳужалик ҳаётида қатнашиши билан боғлиқ бўлмайди. Ижтимоий туловларнинг мақсади жамиятдаги муносабатларни инсонпарварлаштириш ҳамда ички талабни ушлаб туриш ҳисобланади.

Аҳоли реал даромадлари даражасига инфляция сезиларли таъсир қурсатади. Шу сабабли даромадларни давлат томонидан самарали тартибга солишнинг муҳим шарт-шароитлари истеъмолчилик товарларига нархнинг ўсишини ҳисобга олиш ва даромадларни индексациялаш, яъни наминал даромадларни нархлар ўсишига боғлиқликда ошириш ҳисобланади.

Шахсий даромадни химоя қилишда ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишга аҳоли камбагал катламини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Аҳолининг маълум қисмини ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлганлар таркибига қиритиш учун камбагал (қашшоқ)лик даражасини аниқловчи қўрсаткичдан фойдаланилади.

Ижтимоий амалиётда қашшоқликнинг ўзи ҳаёт кечириш минимуми ёрдамида аниқланади. Бу ижтимоий ва физиологик (жисмоний) минимумда ифодланади. Ижтимоий минимум жисмоний эҳтиёжларни қондиришнинг минимал нормаси (меъёри) билан бирга ижтимоий талабларнинг минимал ҳаражатларини ҳам ўз ичига олади. Физиологик минимум эса фақат асосий жисмоний эҳтиёжларни қондиришни қўзда тутди.

Жумладан россияда қўлланиладиган физиологик минимумга асос қилиб, энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларининг 19 тури олинади ва у меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркаклар учун зарур истеъмолнинг йиллик нормасидан қелиб қикиб ҳисобланади.

Энг кам истеъмолчилик бюджети эса инчоннинг меъёридаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун зарур ижтимоий минимум воситаларини ўз ичига олади.

Россияда у 200 дан ортиқ товар ва хизматлар, шу жумладан 80 номдаги озиқ-овқат маҳсулотлари асосида тузилган бўлиб, ўз ичига қийим-бош, пойафзал, дори-дармон, уй-рузгор ва маданий маиший хизматларга, транспортга туловларни ҳаттоки солиқ туловлари ва ҳар хил йигимларни ҳам ўз ичига олади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ёрдамига мухтож кисмини аниклашда турли хил мезонлар асос килиб олинади. Улар хумласига даромад даражаси, шахсий мол-мулки микдори, оилавий ахволи ва шу қабилар киритилади. Агар оилаинг бу асосий эҳтиёжлари жуда куплаб бошка омиллар, яъни оила аъзоларининг сони, ёш таркиби, солигининг ҳолати ва шу қабилар билан ҳам аникланади. Оиланинг уз эҳтиёжларини кондириш учун зарур булган маблағлари жорий даромадлар, трансферт туловлари, олдин килинган жамғармалар, мулкдан олинандиган даромад ва шу қабилардан иборат булади. Купчилик мамлакатларда кашшокликни аниклашга оиланинг ҳажми асос килиб олинади.

Кашшокликнинг таркиби бир хил эмас-уларни бир мамлакатнинг барча регионларида, шаҳар ва кишлок аҳолиси, ёшлар ва қариялар уртасида учратиш мумкинки - бу давлат сиёсатининг мақсадини аниклашни бир мунча мураккаблаштиради. Кашшоклик даражаси ёки кашшокликда яшовчилар сони айрим даврларда пасайса, айрим даврларда ортади. Иқтисодий ривожланишнинг секинлашуви, ишсизликнинг тез усиши ва трансферт туловлари реал даражасининг пасайиши кашшоклик даражасининг ошишига олиб келади. Иқтисодиёт тулик бандлилик томони ҳаракат килиб бориши билан кашшоклик даражаси аста секин тушиб боради. Кашшоклик даражасини аниклаш учун фойдаланиладиган маълумотлар нақд пул билан олинандиган трансферт туловларини уз ичига олса ҳам, лекин кашшокларна курсатиладиган соғлиқни сақлаш хизмати, уй-жой таъминоти, ҳамда озик-овқат талонлари қабил пулсиз курсатиладиган трансферт туловлари қийматини уз ичига олмайди. Ҳақиқатда бу пулсиз курсатиладиган трансферт туловлари ҳам оила учун даромад ҳисобланади, чунки қамбағал оилалар эҳтиёжларининг бир қисми улар ҳисобига кондирилади. Пулсиз амалга ошириладиган трансферт туловларини ҳам ҳисобга олиб, кашшоклик даражасини аниқланса, бу курсаткич анча пасаяди. /шу муқобил ҳисоб бўйича АЎШда кашшоклик даражаси 1987 йил 8,5 фоизни ташкил қилган/.

Хулоса

Аҳолини ижтимоий химоялаш чора - тадбирлари тизимидаги энг асосий йуналиш - бу нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг кадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва уртача даражасини мунтазам ошириб бориш хисобланади. Бунда республиканинг узига хос ёндашуви ишлаб чикилиб, даромадлар нисбатини узгартириш, иш хаки, пенсиялар, стипендияларнинг, жамгарма банклардаги аҳоли омонатлари ставкаларининг энг оз миқдорини бир вақтнинг узида қайта қуриб чиқиш йули билан амалга оширилади. Даромадлар нисбатини узгартиришда 1993 йил жорий этилган янги ягона тариф сеткаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу барча тоифадаги ходимларнинг меҳнат хаки миқдорларини тариф коэффициентлари орқали, энг кам иш хаки воситаси билан бевосита узаро боғлаш имконини берди.

Аҳолини ижтимоий химоялашнинг иккинчи йуналиши - ички истеъмол бозорини химоя қилиш, ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозик-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўлди. Бунга эришишда муҳим маҳсулотлар экспортини божхоналар орқали назорат қилиш ва юқори бож туловлари жорий этиш, истеъмол молларини сотиб олиш учун ишлатиладиган купонларни муомалага киритиш, кундалик зарур товарларни меъёрланган тарзда сотишни ташкил қилиш каби тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий валюта жорий этилиши билан озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан воз кечиш а эркин нархларга ўтиш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

1. Каримов И. А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т. 15 –Т.: Ўзбекистон, 2007. - 320 б.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. // Халқ сўзи, 2010 йил 14 февраль.

5.. Асосий адабиётлар

1. Ромаш М.В., Шевчук В. И. Финансирование и кредитование инвестиций: Учебное пособие. – Мн.: Книжный дом. 2004. – 160 с. 3 экз.
2. Ромаш М.В., Шевчук В. И. Финансирование кредитование инвестиций: Учебное пособие. – Мн.: Мисанта. 2004. – 160 с. 3 экз.
3. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции. / Пер. с англ. – М.: ИНФРА– М. 1999. – 1028 с. 1 экз.
4. Использование инвестиций в нефинансовые активы за 2004 год. Статистический бюллетень. – Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по Статистике. 2005. – 220 с. 1 экз.
5. Подшиваленко Г.П. Инвестиции: Учебное пособие. – М.: ООО КНОРУС. 2004. – 203 с. 1 экз.
6. Валдайцев С.В., Воробьев П.П. Инвестиции: Учебник. – М.: Проспект.

2005. – 440. –1 экз.

7. Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. – М.: Дашков и Кс. 2006. – 376 – 1 экз.
8. Использование инвестиций в нефинансовые активы за 2005 год. – Т.: Государственный комитет по статистике РУз. 2006. – 170 с. 1 экз.
9. Хамидулин М. Учебно-методический комплекс по дисциплине «Управление инвестиционными проектами». – Т.: Молия. 2006. – 184 с. 50 экз.
10. Узоков А., Носиров Э. Инвестиция лойихаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги: Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya. 2006. – 380 б. 200 нусха.
11. Ангелиди М. Управление рисками инвестиций. Вопросы и ответы. – Т.: ТФИ. 2007. – 68 с. 148 экз.
12. Анискин Ю.П. Управление инвестициями: Учебное пособие. – М.: Омега-Л. 2006. – 192 с. 1 экз.
13. Валинурова Л.С., Казакова О.Б. Управление инвестиционной деятельностью: Учебник. – М.: КНОРУС. 2005. – 384 с. 1 экз.
14. Деева А. И. Инвестиции: Учебное пособие. – М.: Экзамен. 2005. – 400 с. 1 экз.
15. Инвестиционная деятельность. / Под ред. Подшиваленко: Учебное пособие. – М.: КНОРУС. 2006. – 432 с. 1 экз.
16. Ивасенко А.Г., Никонова Я.И. Инвестиции источники и методы финансирования. – М.: Омега-Л. 2007. – 253 с. 1 экз.
17. Инвестиционная политика. / Под ред. Ю.Н. Лапыгина: Учебное пособие. – М.: КНОРУС. 2005. – 320 с. 1 экз.
18. Ғозибеков Д., Носиров Э. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларини жалб қилиш. Рисола. – Т.: Iqtisod-moliya. 2007. – 92 б. 150 нусха.
19. Узоков А., Кенжаев Н. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш: Ўқув қўлланма. – Т.: Эффект-Молия. 2007. – 274 б. 100 нусха.
20. Самарходжаев Б.Б. Инвестиции в Республике Узбекистан (международно-

частноправовой аспект). – Т.: Академия. 2003. – 240 с. 50 экз.

21. Каримов Н.Г., Ангелиди М.С. Инвестицияларни лойихавий молиялаштириш тизимида синдикат асосида кредитлаштириш. (Саволлар ва жавоблар). – Т., ТМИ. 2005. – 93 б. 100 нусха.
22. Ушаков И. Как привлечь инвестиции: Учебное пособие. – СПб.: Питер. 2006. – 224 с. 1 экз.
23. Кучарина Е. Инвестиционный анализ: Учебное пособие. –СПб.: Питер. 2006. – 160 с. 1 экз.
24. Бочаров В.В. Инвестиции. – СПб.: Питер. 2002. – 288 с. 1 экз.
25. Жураев А. Хўжамкулов Д. Инвестициялар дастурлари мониторинги. – Т.: ТМИ. 2003. – 10 б. 50 нусха.
26. Жўраев А., Хўжамкулов Д. Халқаро инвестиция бозори. – Т.: ТМИ. 2003. – 12 б. 50 нусха.
27. Каримов Н., Каримов Х., Маматов Б. Давлат инвестиция дастури. – Т.: ТМИ. 2003. – 10 б. 50 нусха.
28. Жўраев А., Маматов Б., Хўжамкулов Д. Инвестицион таҳлил. – Т.: ТМИ. 2003. – 14 б. 50 нусха.
29. Жўраев А.С, Носиров Э.И. Давлат инвестицион сиёсати. – Т.: ТМИ. 2003. – 11 б. 50 нусха.
30. Жўраев А.С, Хўжамкулов Д. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. – Т.: ТМИ. 2003. – 12 б. 50 нусха.
31. Жўраев А.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. / Шарифхўжаев М. таҳрири остида: Ўқув кўлланма. – Т.: Шарқ. 2003. – 256 б. 500 нусха.
32. Бочаров В.В. Инвестиции. –СПб.: Питер. 2003. – 288. – 1 экз.
33. Ғозибеков Д.Ў. “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари”. Т.: “Молия”, 2003.
34. Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Бурхонов У.А. Халқаро молия муносабатлари. – Т.: “Шарқ”, 2003. –400 б.
35. Красавиной Л.Н. под. ред. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. –Москва: Финансы и статистика, 2001. –608 с.

7.Интернет-сайтларга ҳаволалар

1. www.press-service.uz
2. www.mirkin.ru
3. www.cbu.uz,
4. www.isbd.org.
5. www.ladb.org,
5. www.ebrd.org,
6. www.adb.org
7. www.imf.org